

O'ZBEKISTON




O'ZOZI

IJTIMOY-
SIYOSIY
GAZETA

• 2006-yil • 12-dekabr • Sesanba • 146 (27.637) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Пойтахтимиздаги асосан сув насослари ва электр машиналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Suv mash» очик акциядорлик жамиятида махсулот сифатига алоҳида эътибор берилётгани корхона мавқеини ташки бозорда ҳам мустақамлаш имконини бермоқда.

— Корхонамизда 2003 йилдан халқаро стандартларга асосланган ISO 9001:2000 сифатни бошқариш тизимини жорий этишга киришилган эди, — дейди «Suv mash» ОАЖ бош директори Игор Пророков. — Бунда «Сифат консалтинг» компанияси билан имзоланган шартномага мувофиқ баҳолаш аудити, ходимларни сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиш бўйича ўқитиш, зарур ҳужжатларни тайёрлашга қаратилган тўрт босқичли ишлар амалга оширилди. Жорий йилнинг мартда ISO 9001 сертификатини олишга эришдик. Айти пайтда 352 киши меҳнат қилаётган маз-



Махсулот ўзимизники — Ўзбекистонники

кур корхонада қирқдан зиёд турда насос ва улар учун эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарилаётган. «Suv mash»да жорий йилнинг тўққиз ойида уч миллиард сўмдан зиёд махсулот тайёрланди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўттиз фоиз кўп демакдир. Корхона

махсулотларига нафақат мамлакатимизда, балки Россия, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон каби давлатларда ҳам талаб катта.

Акмал НАЗАРОВ,
ЎзА мухбири
Суратларда: корхона фаолиятдан лавҳалар.
С.ЎРМОНОВ (ЎзА)
олган суратлар



Депутат ва ҳаёт

ТАКЛИФЛАР БИЛДИРИЛДИ

Яқинда Қорақўлдаги sanoat va transport kasb-xunar kolleji мажлислар залида 29-Пайкент сайлов округи сайловчилари вакиллари билан лиқ тўлди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева билан учрашувга тўпланган сайловчилар парламентдаги вакиллари олдига ўзларини қийнаётган муаммоларни қўйиш билан бирга қонун ижодкорлиги борасида амалий таклифларни ҳам ўртага ташладилар.

— Ўтган икки йил мобайнида, — деди депутат, — қонун ижодкорлиги борасида парламентда муайян тажриба тўпланди. ҲўХДПдан сайланган депутатлар фракцияси партия электорати

манфаатларига мос келадиган қонунлар ишлаб чиқишда ўз ташаббусини намойён этиб келяпти. Жойларда тўпланиб қолган муаммоларга келсак, сайловчиларимиз эътирози ўринлидир. Хусусан, аҳолини ичимлик сув, газ билан таъминлаш масаласига маҳаллий ҳокимият раҳбарлари имкон қадар ердашмоқдалар. Бу борада ҳамкорликда анча ишлар қилинмоқда. Лекин, бу билан қаноат ҳосил қилганимиз йўқ. Жойлардаги жамоатчилик қабулхоналари орқали мазкур масала тегишли вазирликларга етказилмоқда. Уйлайманки, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлар гуруҳи Қорақўл туманидаги ичимлик сув, табиий газ таъминотидаги муаммони ўрганиб, навбатдаги сессияларда кўтариб чиқа-

ди ва ижобий ҳал этилишига эришадди. Нотик тўпланганларга мамлакатимиз Президентини томонидан Қонунчилик палатасига киритилган «Давлат бошқарулини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳасининг мақсад-моҳияти ҳақида ҳам сўзлаб берди. — Биз, — деди 15-мактаб ўқитувчиси Чинни Ҳафизова, — парламентдаги депутатларимиздан янада мукамалроқ, аҳолининг барча қатламлари манфаатларига мос келадиган қонунлар ишлаб чиқишларини хоҳлардик. — Мен илк бор депутат билан юзмаюз келганим, — дея сўз олди Қорақўл тиббиёт коллежи талабаси Мадина Ҳақи-

мова. — Парламент фаолияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлдим...

Сайловчилар учрашувдан қониқиб ҳосил қилганиликларини уларнинг чеҳраларида акс этиб турарди.

Ҳудди шундай учрашув Олот туманида ҳам бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шавкат Каримов Когон, Қоровулбозор тумани сайловчилари билан учрашди. У сайловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бериш билан бирга ХДП дастурий мақсадларини амалга ошириш учун партиянинг ҳар бир аъзоси янада фаол бўлиши кераклигини таъкидлади.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Қарор ва ижро

ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛИГА АМАЛ ҚИЛИБ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасида Олий Мажлис Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори ижросига бағишланган йилги бўлиб ўтди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирликлари ҳамда Республика «Маҳалла» жамғармаси вакиллари иштирок этган ушбу тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жамиятни демократлаш-

тириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ этиш борасида амалга оширилган кенг қўлмали ислохотлар ўз самарасини бераётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг тақдирномасига мувофиқ қабул қилинган амнистия тўғрисидаги ушбу қарор Ўзбекистон-

да инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва жамиятни либераллаштиришга қаратилган илчил сиёсат олиб борилаётганининг яна бир далилидир. Халқимизга хос баргиреклик, кеңиримлик фазилатлари мустақил давлатимиз сиёсатида ўзининг тўла аксини тоғганини ҳар йили минглаб маҳбусларнинг жазони ижро этиш муассасаларидан муддатидан олдин озод этилиши мисолида ҳам кўриш мумкин. Айти пайтда жазони ижро этиш муассасаларида сақла-

гани таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, озод этилаётган шахсларнинг ижтимоий мослашиши ва ҳаётда ўз ўрнини топишига, уларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш, уларга ҳар томонлама ёрдам бериш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан бир қаторда тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлари, корхоналар, маҳалла-қўй ҳам масъул экани алоҳида таъкидланди.

(ЎзА)

ЎЗБЕКISTON ДЕМOKPATИЯ ЙЎЛИДАН ИШОНЧ БИЛАН ОДИМЛАМОҚДА

Мамлакатимизнинг Брюсселдаги элчихонаси Европа Халқаро муносабатлар институти (ЕХМИ) билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг мамлакат парламентида қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган «Давлат бошқарулини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари тақдимотини ўтказди.

Тадбирда Европарламент ҳамда Бельгияда аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар миссиялари ва НАТО вакиллари, шунингдек, Брюсселда жойлашган таҳлилий ва илмий-тадқиқот институтларининг экспертлари иштирок этдилар.

Тақдимотда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин қизлар-қўмитаси раиси С.Иномова бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси аъзолари ўз чиқишларида тадбир иштирокчиларига мамлакатимизни модернизация қилиш, янада демократлаштириш ва янгилашда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш юзасидан республика раҳбарияти амалга ошириётган чора-тадбирлар тўғрисида атрафлича маълумот берди.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик ташаббуси жамиятдаги турли аҳоли қатламларининг манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ва ваколатларини таъминлаш учун катта аҳамиятга эгадир, — деди ўз маърузасида ЕХМИ президенти И.Семинаторе. — Конституция ўзида сиёсий ўзгаришларни ифода этади, келгусида демократик меъёрларни ўрнатади ва барқарорлик шаклларини ишончли таъминлайди. Ўзбекистон Конституцияси ўзида кўп асрлик тарихга эга ушбу мамлакатнинг сиёсий эркинлиги ва мустақиллигини ифода этган асосий ҳужжатдир. Бугун Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлидан ишонч билан одимламоқда. Мамлакат раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган қонун лойиҳаси туфайли халқ вакиллари тизими мустақамланади,

жумладан, қонуний сиёсий рақобатчилик ҳам таъминланади.

Бельгиянинг Ўзбекистондаги элчиси Ш.Гилен республикада жорий этилаётган сиёсий янгиликларни юқори баҳолади. Унинг фикрига қўра, Ўзбекистонда ўзгаришлар босқичма-босқич амалга оширилаётгани сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий барқарорликнинг кафолатидир ҳамда у мамлакатда демократик тараққиёт йўналиши тўғри танланганидан далолат беради. Демократик мамлакатларда сиёсий ҳокимиятнинг шакллантиришда сиёсий партиялар тўғрисида муҳим ролни таъкидлар экан, бельгиялик дипломат Олий Мажлисга сайловларда иштирок этиш учун ташаббускор гуруҳлардан номзодларни кўрсатиш имкониятига алоҳида эътибор қаратди.

ЕИ комиссияси ходими Лерей Рене фикрларига қараганда, ўтказилган ушбу тақдимот Ўзбекистонда демократик ўзгаришлар жадал суратда давом этаётганининг яққол исботидир. Ўз навбатида Брюссель Эркин университетини профессори Жан Бланкофф мамлакатимизда демократик жараёнларнинг ўсувчан тараққиётга эга эканлигини таъкидлади.

«Жаҳон» АА
Брюссель

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 11 декабрь куни навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда 25-Ибн Сино, 75-Зангиота, 86-Кўкун сайлов округларида бўлиб қолган ўринларга Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш масаласи кўриб чиқилди. Мажлис ишида округ сайлов комиссияларининг раислари, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Комиссия сиёсий партиялар томонидан ҳар бир сайлов округи бўйича тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Фидоқорлар миллий демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан жами 15 нафар депутатликка номзодни

рўйхатга олди. Шунингдек, мажлисда сайловолди ташвиқоти бошланishi муносабати билан сиёсий партиялар ва депутатликка номзодлар томонидан оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Марказий сайлов комиссиясининг мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорига биноан сиёсий партиялар ва улар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти даврида

тегишли вилоят телевидениеси ва радиосида чиқиш учун ҳафта-сига 40 дақиқадан иборат бепул эфир вақти ҳамда 25-Ибн Сино сайлов округи учун «Бухоронома» ва «Бухарские известия», 75-Зангиота сайлов округи учун «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда», 86-Кўкун сайлов округи учун «Фаргона ҳақиқати» ва «Ферганская правда» газеталарида 1/2 саҳифадан иборат бепул босма майдон ишлатилиши, чиқишлар эса алифбо тартибда амалга оширилиши белгиланди. Мажлисда сиёсий партияларнинг сайлов кампаниясидаги иштирокчини молиялаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилди ва округ сайлов комиссиялари раисларининг сайловга тайёргарлик кўриши ишларининг бориши ҳақидаги ахбороти тинланди.

(ЎзА)

ПОРЛОҚ КЕЛАЖАККА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

Сурхондарё вилоят ҳокимлиги мажлислар залида бўлиб ўтган йилги Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан Қонунчилик палатасига киритилган «Давлат бошқарулини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари муҳокамаси, Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар, шунингдек, газета-журналларга 2007 йилги обуна масалаларига бағишланди. Унда туманлар ҳокимлари, сиёсий партиялар кенгашлари раислари, депутатлар, корхона, ташкилот, муассаса раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этти. Йилги вилоят ҳокими Абдуҳақим Эшмуродов бошқарди.

билан бирга ечимини қутаётган муаммолар ҳам бор. Бу борада замон биздан янада фолроқ бўлиши тақозо этмоқда. Шундай экан, оддий йилгилик ёки тадбирлар билан қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Бунинг учун амалий ишлар қилиш даври келди...

Мамлакатимизда инсон манфаати қадрланади. Халқимизнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш учун мустақилликнинг дастлабки қунариданок қўллаб ҳайри ва савобли ишлар бошланган эди. Бугун ҳам ана шу қутлуғ анъана давом этмоқда. Айниқса, ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, бокувчисини йўқотган, ногирон, бева-бечораларга алоҳида ғамхўрлик қўрсатишмоқда. Юртбошимиз томонидан 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили», деб эълон қилинганлиги ҳам бунинг ёрқин исботи.

Йилгилида мазкур нутқдан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

У Конституциямизнинг 14 йиллигига бағишланган тантанادا Президентимиз сиёсий партиялар ҳақида билдирган фикрларига тўхташаркан, бугун вилоятдаги сиёсий партиялар муаммоларини бартараф этишда қандайдир ёрдам бераётганини қайд этди. Жум-

ладан, ХДП вилоят кенгашининг ташаббуси билан жойларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, ишсизлик муаммосини бартараф этишда амалий кўмаklar бўлди, деди у. Тиббиёт, таълим соҳаларини тараққий эттириш учун қатор таклифлар билдирилди. Лекин шу

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти			
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 12 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хоржий валюталарнинг сўма нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:			
1 Австралия доллари	967,47	1 Малайзия рингити	348,16
1 Англия фунт стерлинги	2412,87	1 Польша злотийси	427,63
1 Дания кронаси	218,53	1 СДР	1871,23
1 БАА дирхами	336,86	1 Туркия лираси	863,95
1 АҚШ доллари	1237,18	1 Швейцария франки	1024,92
1 Инср фунти	216,63		
1 Испания кронаси	17,81		
1 Канада доллари	1076,46		
1 Хитой юани	157,93		

АСОСИЙ МАҲСУЛОТ — ЭКСПОРТГА

Зарафшон шаҳридаги «Агама» трикотаж ишлаб чиқариш фирмаси қошида «Ҳизилқум мануфактураси» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси иш бошлади. Россия томонидан «Евролюкс» масъулияти чекланган жамияти ва Ўзбекистон томонидан Навоий кон-металлургия комбинати йилгига пахта толасидан 5 минг тонна ип йилгириш бўйича шартнома имзолади. Салкам 200 киши иш билан таъминланадиган корхона махсулотларининг асосий қисми хорижга экспорт қилинади.

Е.УМАР, ЎзА мухбири

! ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ
ЎЗБЕКISTONНИНГ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ДАВРИДАГИ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИДАН БИРИ
Мамлакатимиз Президентини томонидан 2007 йилни «ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» деб номлаш бўйича билдирилган таклиф қўнгилларда ёруғ ниятларни, фикр-мулоҳазаларни уйғотмоқда. 2-бет

O'zbekiston havo yo'li
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Халқатлар алоқаси

O'ZSANOATQURILISHBANK
SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz
Халқатлар алоқаси

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIJRA MARKAZI
MULKDORGA HANKORI!
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, факс: 133-20-74
WWW.tshmbn.uz E-mail: info@tshmbn.uz va Bijra@mail.tps.uz
Халқатлар алоқаси

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНИНГ КАЛИТИДИР
Халқатлар алоқаси

Муносабат

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ДАВРИДАГИ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИДАН БИРИ

Бу кўна дунё ўз тарихи давомида кўпдан-кўп давлатлар ва жамиятлар курилиши...

сат биз учун нихоятда муҳимлигини таъкидлади. Тўғриси, бозор иқтисодиёти нима...

иқтисодиётига ўтиш жараёнидаги машаққатли даврда ўз аҳолиси, айниқса, унинг ижтимоий ночор қатлами...

социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажатлар 2006 йилда 51 фоизни ташкил этган бўлса...

демократик партияси айнан аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламини ҳимоя этишни ўз гарданига олган. Демак, партиямиз етакчиларининг дастлабки иши...

Утган 15 йиллик мустақил ҳаётимиз бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимоя аҳолининг кам таъминланган қатламини кўп қулфлардан асраб қолганини кўрсатди.

«Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик оидил жамият қурмоқчимиз» деган сўзлар маъно-маъмунида ҳам адолат, инсон манфаати беш омили сифатида кўзда тутилган.

Утган йилларга назар ташласак, аҳолининг муҳтож табақаларини ҳимоялаш энг зарур вазифа, амалий ҳаракатларнинг энг асосий қоидаси бўлиб келганига ишонч ҳосил қиламиз.

Бозор иқтисодиёти ҳақида гап кетганда, «Ким яхши яшашни хоҳласа бизга ўхшаб тадбиркорлик қилсин, ўз бизнесини йўлга қўйсин» каби ақдларнинг илгари сурётганлар йўқ эмас.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан юритилаётган кучли ижтимоий сиёсат ҳаводан ёки қайси бир давлат тажрибасидан олингани йўқ. Унинг илдизлири халқимизнинг миллий қадриятларига бориб тақалади.

Дарҳақиқат, мустақиллигимиз эълон қилинган кундан буюн ўтган давр ҳолис таҳлил этилса, бунга ҳар бир киши ишонч ҳосил қилиши мумкин. 1991-1992 йиллардаги вазиятни бир хотирамизда тиклаб, кўз ўнгимизга келтирайлик.

Мустақилликнинг биринчи кунидан бошлаб ушбу гоғлар давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларига айланган. Президентимизнинг қатор фармонлари ва ҳукумат қарорлари айнан ижтимоий муҳофазага қаратилди.

Энди бир зумгина бўлса-да ўйлаб кўрайлик, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини ижтимоий ҳимояси тасаввур қилиб кўрайлик. Бундай шароитда боқувчисини йўқотган оилалар ёки пенсионерлар, ногиронлар, шифокорлар, ўқитувчилар, талабалар, илмий ҳодимлар каби кам таъминланган қатлам аҳолини нима кечарди? Табиийки, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида бу қатлам ўта қашшоқлашиб, ҳаётининг оғир зарбаларига дуч келарди, турли хил кўнгилсизликлар авж олларди.

Ҳўш, бир умр илмий лабораторияда ўтириб сочи оқарган, бугун пенсияга чиққан, қўлида ортиқча маблағи йўқ 70-80 яшар одам нима қилсин? Ёки боқувчисини йўқотиб, бир этак болза-чақаси билан қолган ёлғиз она қаёққа борсин, турли сабаблар билан ногирон бўлиб қолганлар-чи? Агар давлат ижтимоий ёрдам кўрсатмаса уларнинг қадр-қиммати нима бўлади?..

«ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросига, ҳар бир соҳасига тегишли, албатта. Аммо тантанали йиғилиш танлафуси пайтида партиямиз фаолиятларидан бири айтганидек, янги йил ХДП учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки Халқ

Кўпчилик эртага нима бўлишини, қандай ашашини тасаввур этолмай саросимага тушган, тўрт тарафдан ақл ўргатувчилар ўз таъсирини ўтказишга қаттиқ ҳаракат қилаётган бир пайтда Ўртабозоримиз Ўзбекистон истиқлоли тараққиётининг беш тамойилини ишлаб чиқди. Ушбу тамойилнинг тўртинчисида Президентимиз фуқароларнинг, айниқса кам даромадли фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг мададига муҳтож бўлган барча кишиларнинг манфаатларини ҳимоя қилдиган кучли ижтимоий сиё-

сат бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнидаги машаққатли даврда ўз аҳолиси, айниқса, унинг ижтимоий ночор қатламини ҳимоя этишни ўз гарданига олган. Демак, партиямиз етакчиларининг дастлабки иши...

«ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросига, ҳар бир соҳасига тегишли, албатта. Аммо тантанали йиғилиш танлафуси пайтида партиямиз фаолиятларидан бири айтганидек, янги йил ХДП учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки Халқ

«ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросига, ҳар бир соҳасига тегишли, албатта. Аммо тантанали йиғилиш танлафуси пайтида партиямиз фаолиятларидан бири айтганидек, янги йил ХДП учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки Халқ

«ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросига, ҳар бир соҳасига тегишли, албатта. Аммо тантанали йиғилиш танлафуси пайтида партиямиз фаолиятларидан бири айтганидек, янги йил ХДП учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки Халқ

ЎзХДП ҳаёти

Жойларда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, Тошкент шаҳар ва вилоят кенгашларининг навбатдаги пленумлари бўлиб ўтмоқда. Уларда «Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан Қонунчилик палатасига киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари киритилиши муносабати билан партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг ташкилий ва сиёсий вазифалари тўғрисида»ги масала муҳокама этилиб, тегишли вазифалар белгилаб олинмоқда, қарорлар қабул қилинмоқда.

ҚИЗГИН ФАОЛИЯТ УЧУН ҲУҚУҚИЙ АСОС

ТАШАБУС ВА АМАЛИЙ ИШ

Сайидо Насафий номли Қашқадарё вилоят ахборот-кутубхона марказида партия кенгашлари раислари, депутатлар, фаоллар иштирокида бўлиб ўтган ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгашларининг навбатдаги пленумида маъруза қилган ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Олим Раҳманов янги қонунлар лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасига қўйилиши демократик ислохотлар самараси эканлигини алоҳида таъкидлади.

ла бир неча бор кўтарилган ади. Афсуски, депутатлик гуруҳларимизга ташаббус этишмаяпти. Ушбу қонун лойиҳаларини уларнинг нафақат фаоллигини ошириши, балки мустақам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

органларини шакллантиришда фаол иштирок этиши керак. Очил ЭРГАШЕВ, Қарши давлат университети ўқитувчиси, профессор: — Жаҳон сиёсатчиларининг эътиборини тортаётган бу қонунлар оддий қонунлар эмас. Уларнинг ташаббускори Президентимиз! Ўзига хошлигимиз шундаки, ислохотларни шошилма, қадам-қадам амалга ошираётимиз.

Мамлакатимиз Президентини томонидан Қонунчилик палатасига ушбу қонунлар лойиҳаларининг киритилиши муносабати билан тузилган партия Марказий Кенгашнинг ташкилий ва сиёсий тадбирлар Дастури олдимизга жиддий ва кенг қўламадаги вазифаларни қўймоқда.

Анвар ШУКУРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидagi ХДП фракцияси аъзоси: — Икки йил бурун ХДПни муҳолифатдаги партия деб эълон қилдик. Партиямиз фракцияси ҳозир йигирма етти нафар депутатдан иборат. Очиги, бирор бир қонун йўқки, унга фракциямиз аъзолари ўз мулоҳазаларини, муносабатларини билдиришмаган бўлса.

Музокараларда сўзга чиққан вилоят ҳокимиятининг масъул ходими Маматкул Ражабов, Қарши шаҳар ободонлаштириш бошқармаси раҳбари Озод Умиров, Қарши туман ҳокимиятининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилором Умарова ва бошқалар ҳам фикрларини айтишди.

Очиги, кейинги бир ярим йил давомида вилоят партия кенгаши пленумларида, партия фаоллари йиғилишларида янги иш ўринларини яратилиши, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва бошқа муҳим муаммолар билан шаҳар, туман, вилоят Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз янада фаолроқ шуғулланишлари лозимлиги тўғрисидаги масала

Пленум ишда Ўзбекистон ХДП МК раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Насимкул Қаримов иштирок этиб, сўзга чиқди.

Пленумда муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилинди ва партия кенгашлари ҳамда ташкилотларининг ташкилий-сиёсий тадбирлар дастури тасдиқланди. Юнус УЗОҚОВ

ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАР — ДАВР ТАЛАБИ

Шундай экан, мамлакатимиз ва унинг атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга доимий дахлдорлик ҳисси билан яшаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир, — дея таъкидланди Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашларининг V пленумида

Пленумда вилоят партия кенгаши раиси Сирожиддин Аъзамов маъруза қилди.

ҳаларининг мазмун-моҳиятини партиямизнинг ҳар бир аъзосига, шунингдек, электорати мизнинг барча вакилларига аниқ мисоллар ёрдамида тушунтириб боришимиз керак.

чиқишиб, тақлиф этилаётган қонунларнинг афзалликлари хусусида ўз фикрларини билдиришди.

Маъруза юзасидан музокараларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Алия Юнусова, Тошкент туман партия кенгаши раиси Рустам Акбаров, Пискент туманидаги 42-ўрта мактаб директори Машура Раимонова, Тошкент вилоят Касаба уюшмалари қўмитаси раиси Мухайе Тўлағанова ва бошқалар сўзга

— деди нотик ўз сўзида. — Шундай экан, Президентимиз томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойи-

Анжуман иштирокчилари, шунингдек, ЎзХДП Марказий Кенгашларининг яқинда бўлиб ўтган V пленумида тасдиқланган Халқ демократик партиясининг ташкилий ва сиёсий тадбирлар Дастури асосида амалга оширилаётган вазифаларни ҳам белгилаб олдилар. Пленумда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Соҳибжон САЛИМОВ

Газетхон саволларига мутахассис жавоблари ХОРИЖГА ЧИҚИШ ВА КЕЛИШ ҲАҚИДА НИМАЛАР БИЛАСИЗ? Тахририятимизга хорижга чиқиш-келиш, шунингдек қўшни қардош давлатларга бориш тартиби, фуқароликка қабул қилиш ва шунга ўхшаш масалалар бўйича кўплаб мурожаатлар бўлмоқда. Биз ушбу саволларни умумлаштириб, Ўзбекистон Республикаси хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш Бошқармаси бошлиғи Бадриддин ШОРИХСИЕВга мурожаат қилдик.

1999 йил Тожикистон Республикасидан келин олганман, ўғлим икки фарзандли бўлди. Аммо ҳанузгача келиним Ўзбекистон Республикаси паспортини ололгани йўқ. Сабаби, уни яшаш жойимизга рўйхатга қўя олмаганман. Маслаҳат беринг, қандай йўл тутаё?

7. Уй-жой яшаш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси (ордер ёки олди-сотди шартнома, уй дафтари ёки Ф-16,17 дан кўчирма); 8. Рангли ёки оқ-қора расм (3,5 га 4,5) 2 донга; Бундан ташқари, доимий яшаш учун аризаларни кўриб чиққани учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 апрелдаги 205-сонли қарориди белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади.

— Ёшим 25 дан ошганга икки ҳафта бўлди. Янги паспорт олиш учун туман ИИБ Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига борсам жаримага тортилишимни маълум қилишди. Шу тўғрисида? — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февраль кундаги «Ўзбекистон Республикасидаги паспорт тизimini тақомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-2240-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизimini тўғрисидаги Низомнинг 11-боб, 17-банди талабларига асосан фуқаро паспортининг амал қилиш мuddати туғана пайтдан бошлаб уч кун мuddатда паспорт олиш ёки уни алмаштириш учун ҳужжатларни ва 2 донга фотосуратни доимий яшаш жойидаги ички ишлар идорасига тақдим этиши лозим.

Миллат ва маънавият

БОЛАЛИКНИНГ БЕГУБОР ДУНЁСИ



Меҳнат қил, Меҳнатни саодатнинг қалити бил

Ўзбекистон — болалар мамлакати. Болаларнинг фарзандга меҳр бериб, уни қалб қўри, бутун борлиги билан тарбиялаш халқимизнинг азалий ғазилатлари билан...

Болада юксак маънавиятни шакллантириш учун энг аввало нималарга эътибор қаратиш зарур?

Мен дунёдаги энг бахтли аёллардан бирман. Чунки журналистик фаолиятимнинг 27 йилни Ўзбекистон радиосида болалар учун эшиттиришлар тайёрлашга бағишладим. Ҳар тонгда эфирга бериладиган «Келажак тонги» эшиттиришининг номлинидан тортиб, қатор янги саҳифалари йўлга қўйилишида бевосита иштирок этганман.

Бундан ўн йилча аввал телевиденининг болалар муҳарририга ўтганимда «Томир» деган кўрсатуви ташкил қилди. Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон ўшанда «Биз ким бўлмайлик, барибир аждодларимиз тарихига суйнаемиз. Чунки бизнинг тарихимиз буюк, болаларимизга қараб авлодлар ҳам буюк бўлиши керак. Келинг, кўрсатуви «Томир» деб атайдик», дедилар. Уша кўрсатув баҳона болаларга мозийни ўрганиш бўйича кўпба саволлар бердик, тан-

ловлар уюштирдик. Болалар ўз мактабларида она-юртга бўлган сазимий туйғуларини шунақа меҳр билан ёзишган эди-ки! Боланинг кўнглига йўл топсангиз, унда идрок уйғонади. Ўзликни англашга иштиёқ пайдо бўлади. Бу эса уни маънавиятга етаклашда муҳим омил. Болада маънавий тафаккурнинг илк босқичи Ватанга меҳрдир. Бу эса шунчаки гап эмас. У аввало, ҳар бир шаҳар, қишлоқ янги обиданинг тарихидан бошланади. Бир мисол, агар биров сиздан «Ота-бобонгиз ким?» деб сўраса, айтасиз. Лекин сўраш давом этаверса, жим бўлиб қоласиз. Чунки кўнчилигимиз ўз насл-насабимизни, авлод-аждодларимизни тўлиқ билмаймиз. Бу ҳам шўролар даврининг асорати. Ваҳоланки, қадимда ўтган болаларимиз кимлигини, улар нималарга қодир бўлганини бутун дунё биларди. «Ойланом» деган кўрсатувида болаларга айтдикки, сиз Ватанин севишингиз учун аввало аждодларингиз кимлигини билишингиз керак. Шунда болада ибрат туйғуси шаклланади. Улуғ болаларига ўқшаҳар, улардан ўрнак олишга ҳаракат қилади. Бу ҳам қомилликнинг бир белгиси. Қомиллик ўз-ўзидан шаклланмайди. У меҳнат билан яраллади, улуглашиб, инсонни руҳан юксакликка кўтарди. Бунга ҳазрат Навоийнинг битта яхши байти бор: «Умри зое этма,

Биз ўзбеклар фарзанд боқамиз, унга яхши тарбия берамиз. Мана менинг тўрт қизим — тўртта тоғим, ўғлим — менинг юлдузим. Мен шуларга суйнаман», дедилар. Шунинг ўзи юз оғиз гапдан аёло эмасми? Биз аждодларимиздек бўлиш учун нима қилишимиз керак? Аввало, уларнинг тарбия борасидаги қарашларини қадрлашимиз керак. Боланинг қалбига ўқимизга меҳр уйғонибдими, ижодкор олдига қўйган вазифани удралаган бўлади. — Иш фаолиятингиз давомида ўзингизга сабоқ бўлган бирор воқеани эслай оласизми?

— Радиода ишлаб юрган кезларим «Бобоқонлар болалиги» деган рух очганмиз. Унда танкичи адиб ва олимларнинг ёшчилиги, болалар хитролари ҳақида уларнинг ўз эсдаликларидан бериб борардик. Уни машҳур диқдор, Ўзбекистон халқ артисти Қодир Маҳсумов олиб борардилар. Бир кун у киши менга қаттиқ танбех берган. Билсам, ўша кун эшиттириш орасида бир боғча боласини «сенам ўйинчоқ ясашга қизиқсанми?» деб сенсираб юборган эканман.

«Улар жуда кичкина-ку», деди ўзимни оқлаб. Шунда Қодир Маҳсумов «Йўқ, бола кичкина бўлса-да, лекин унинг қалби жудаям катта. Бола бўлганда кейин хурмат қилишингиз керак», дедилар. Шу воқеа менга катта сабоқ бўлган.

Хулоса ўрнида нима демоқчиман? Биз бугунги болаларни ибратли фазилатлар билан, эзгулик чирогини ёқувчи гаплар билан тарбиялашимиз керак.

Бола — бегубор дунё. Бедорлик мамлакати. Маъсуллик фасли. Унга қилинган кичик эътибор — ҳамма эзгуликлардан аёло. Унга қилинган лойқайлик эса барча хоҳалатнинг дося. Шундай экан, боланингизни асранг, унга меҳрингизни беринг, қалбига эзгулик нурини сочиңг. Чунки, болалар дунёни ёвуқликдан кутқарадилар. **Матназар ЭЛМУРОДОВ** сўхбатлашди

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрлар орқали Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, аҳолининг барча қатламлари орасида мамлакат Асосий қонунининг ўрганилиш жараёнини мунтазам равишда ёритиб борилишини таъминлаш ҳамда журналистларнинг бу борадаги профессионал маҳорати, ижодий фаолиятини ошириш ва уларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида «Менинг Конституция» танловини эълон қилади.

ТАНЛОВ ИҶТИМОИЯТЛАРИ

Танлов қўйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- энг яхши тахлилий материал (мақола, очерк, репортаж);
— энг яхши интервью;
— энг яхши фоторепортаж.

Танлов шартлари

Танловга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳияти, унда фуқаролар учун белгилаб берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, уларнинг амалдаги ижроси чуқур тахлил қилинган, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида Асосий қонунни ўрганиш борасида амалга оширилаётган жараёнлар кенг ёритилган, бу йўлда дуч келинаётган муаммолар тахлилий ва танқидий руҳда кўтариб чиқилган материаллар, фоторепортажлар тақдим этилади.

Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак.

Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади.

Ижодий ишларга муаллим тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид) маълумотлар илова қилинади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликларида танлов учун махсус ташкил этилган «Менинг Конституция» танловига» руқнида танлов матбуотида эълон қилинган кундан кейин чоп этилган бўлиши шарт.

ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Танлов аниқлаш бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўни арасида эълон қилинади ва бир йил давом этади. Танлов ғолиблари келуси йил Конституция байрами арасида аниқлашиб тақдирланади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, манфаатдор жамоат ташкилотлари, идора ва муассасалар вакилларидан иборат нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига ҳосил, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақрир қилинмайди ва қайтарилмайди.

Танлов ғолибларига мукофотлар ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари Фонд томонидан таъсис этилган диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Материаллар ва уларга ҳисобот кўришишдаги маълумотлар «Менинг Конституция» танловига» босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида 2007 йил 20 ноябрга қадар қўйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри 700129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 144-12-51, 144-16-15. www.mnf.uz, e-mail: mnf@uzrak.uz

Ташкилий қўмита

«СЎҒДИЁНА» ОХАНГЛАРИ ҲИНД ЗАМИНИДА ЯНГРАДИ

Дехлидаги «Kamani Auditorium» концерт залида «Сўғдиёна» ўзбек халқ чолғулари камер оркестрининг маданий дастури намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 14 йиллигига бағишлаб ўтказилган ушбу кеча мамлакатимиз Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ҳиндистон маданий алоқалар кенashi ҳамда юртимизнинг Дехлидаги элчихонаси томонидан ташкил этилди.

Жамоа концерт дастуридан ўрин олган «Рохат», «Чертмак», «Юртим жамоли», «Охиста» каби миллий кўйлар, республикада хизмат кўрсатган артист Меҳрижон Бекжонова ихросидаги «Тановар»,

«Лазги» ва «Галдир» ашуллари, республикада хизмат кўрсатган артист Эркин Қажоров ва Гулноза Қажорова ихросидаги ўзбек миллий рақслари Ҳиндистонлик санъат ихлосмандларининг гўлдурас олқишларида сазовор бўлди. **Содрриддин СУЯРОВ, Жаҳон АА мухбири** Дехли

Кўрғазма



Р.ЖУМАНИЕЗОВ (ЎЗА) олган сурат

«МАРҒИЛОН: ГЎЗАЛ ВОДИЙ ТАРИХИ АКС ЭТГАН ШАҲАР»

Яқинда Тошкент фото уйида Ўзбекистон Бадий академияси ва бадий кўрғазмалар дерекцияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Марғилон: гўзал водий тарихи акс этган шаҳар» деб номланган кўрғазманинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирни Бадий академия раиси Турсунали Қўзиёв кириш сўзи билан

очди. У Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик тўйини кенг нишонлашни бой тарихий меросимизни асраб-авайлашда, уни кенг жамоатчиликка тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Кўрғазмадан асосан шаҳарнинг қадимий кўриниши акс этган ноёб фотосуратлар ўрин олган. Ушбу асарлар Марғилон музейи томо-

нидан тақдим этилган. Шунингдек, шаҳарнинг бугунги жамоли тасвири туширилган суратлар, уста ва ҳунармандлар томонидан яратилган заргарлик буюмлари, тўқимачилик, матога гул босиш намуналари, Марғилон атласидан тикилган чиройли либослар ҳам намойиш этилмоқда. **Маъмуржон МАХМУД**

ҲАКАМЛАР ХАТОСИ

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗНИНГ XV ОСИЁ ЁЙИНЛАРИДАГИ МАҒЛУБИЯТИГА САБАБ БЎЛДИ



Футбол бўйича гуруҳ баҳсларини муваффақиятли якунлашган Ўзбекистон терма жамоаси чорак финалда Ироқ вакилларига қарши майдонга тушди. Анча асабий руҳда ўтган учрашувда малайзиялик бош ҳакам чўнтагидан 14 та (!) сариқ ва учта (!) қизил карточка чиқаришга мажбур бўлди. Араб футболчиларининг спортчиларга мутлақо ёт, хурмача қилиқларига бой тарзда кечган ўйин кутулмаганда ҳамюртларимизнинг 1:2 ҳисобида мағлубияти билан қийналанди. Натижда бундан ўн икки йил олдинги галабасини такрорлашга яқин турган Ўзбекистон терма жамоаси баҳсларни давом эттириш ҳуқуқини қўлдан чиқарди.

XV Осийё ўйинларининг охириги ун кунда мамлакатимиз спортчилари бошқа кўпайтиришга муваффақ бўлишди. Енгил атлетиканинг қизлар ўртасида 100 метр мософага югуриш баҳсларида ҳамюртларимиз Гўзал Хубиева олтин медалга эришди тақдирланди. Шунингдек, лангарчўнда сакраш баҳсларида 5 метру 55 сантиметр натижани қайд этган Леонид Андреев эса терма жамоамизга кумуш медални туҳфа қилди.

Мутахассислар юнон-рум кураши беллашуварларида вакилларимизнинг юқори ўринларни эгаллашга умид билан қарашаётганди. Аммо курашчиларимиз мусобақада ўз имкониятларидан паст даражада иштирок этишди. Жумладан, терма жамоамиз етакчиси, Афина олимпиадаси

ғолиби Александр Доктуришвили (74 кг.) ўз вази тоифасида хатто совриндорлар қаторига ҳам кира олмади. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Дилшод Орипов (60 кг.) дастлаб Ҳиндистонлик Равиндер Сингхни мағлубиятга учратганди. Бироқ у финалга йўлланма берувчи учрашувда Жанг Шенг (Хитой)дан енгилди. Дилшод бронза медали учун кечган беллашувда Мустафо ал Накадан, (Сурия)ни мағлубиятга учратди. 96 кг. вази тоифасида гиламга чиққан яна бир вакилимиз Геннадий Чхаидзе ҳам бронза медали билан кифояланди. Курашчиларимиздан фақат Равшан Рўзиқулов (66 кг.)гина финалга йўлланма олди. Қатарлик Жафар Хон, япониялик Масаки Имуро, қозғистонлик Ойбек Енсехновларни енгган ҳамюртларимиздан хал қилувчи баҳсада бироз омад юз ўғирди. Равшан финалда жанубий кореялик Чул Мин Кимга очколар ҳисобида ютқазиб қўйди.

Тазквондо (WTF) бўйича тўққиз нафар ҳамюртларимиз татамига чиққанди. Аммо баҳсларда улардан фақат қизлар ўртасида Евгения Каримова (+72) ўзини кўрсата олди. Оғир вази тоифасида финалга чиққан вакилимиз ҳал қилувчи учрашувда хитойлик Сонг Ченга ютқазиб, кумуш медалга муносиб кўрилди.

«Чарм қўлпоқ» усталаримиздан тўққиз нафари чорак финалга йўлланма олганлигини хабар қилгандик. Афсуски, ушбу босқичда Афина олимпиадаси совриндори Уткирбек

Ҳайдаров (81 кг.) эронлик Меҳди Хабранига ютқазиб, кўпчиликни ҳайрон қолдирди. Шунингдек, Орузбек Шоимов мўғулистонлик, Бекзодбек Юнусов хитойлик рақибларидан енгилди, медаллар учун курашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлишди. Чорак финалда Вакадопапа Васала (Шри-Ланка)дан устун келган Дилшод Маҳмудов (64 кг.) эса ярим финалда жанубий кореялик боксчига ютқазди ва бронза медалининг совриндори бўлди. Қолган вакилларимиздан Рустам Саидов (+91кг.) чорак финалда Нурпайиз Тўрабеков (Қирғизистон)ни енгилди, медаллар учун курашиш давом эттираётган бўлса, Баҳодиржон Султонов (57 кг.), Элшод Рауллов (75 кг.), Жасур Матчонов (91 кг.)лар финалга йўлланма олинди.

Дастлабки турларда Япония (3:0), Хитой (2:1) шохмотчиларидан устун келган Ўзбекистон терма жамоаси кейинги ўйинларда Вьетнам, Катар вакилларига бир хил — 1:2 ҳисобида ютқазганди. Бешинчи турда ҳамюртларимиз Қозғистон терма жамоасига қарши дона суриб, 2:5:0:5 ҳисобида галаба қозонди. Умумжамоа ҳисобида хозиргача 9,5 очко жамгарган россеймейстерларимиз кеча мусобақа пешқадами Ҳиндистонликларга қарши дона суришди.

Кеча байдарка ва канозда эшак эшиш, енгил атлетика ҳамда бокс бўйича уюштирил-



ган мусобақаларда ҳам ҳамюртларимиз ўзларини кўрсатишди. Жумладан, байдарка ва канозда 1000 метрга эшак эшиш баҳсларида ҳамюртларимиз Вадим Бекжон терма жамоамиз жамғармасига навбатдаги олтин медални ҳада қилди. Шунингдек, ушбу мософадаги мусобақада Алексей Бобоқон, 1000 метрга ҳуфтлик баҳсларида Герасим Кочнев, Серик Мирбековлар эса кумуш медаллари билан тақдирландилар. Енгил атлетика бўйича ўтган мусобақаларда Гўзал Хубиева 200 метрга югуриш, Анастасия Журавлёва ух ҳатлаб сакраш баҳсларида иккинчи поғонадан жой олишди. Бокс бўйича 60 кг. вази тоифасида ярим финалда вакилимиз Бекзод Хидиров мўғулистонлик спортчига 24:26 ҳисобида ютқазиб, бронза медали билан кифояланди.

Шундай қилиб, умумжамоа ҳисобида 4 та олтин, 7 та кумуш, 10 та бронза медалини қўлга киритган ўзбекистонлик спортчилар 45 та давлат ўртасида 16-ўриндан 9-поғонага кўтарилиб олди.

Эркин ХОЛБОБО Суратларда: олтин медал соҳиби Гўзал Хубиева; юнон-рум кураши бўйича бронза медали совриндори Дилшод Орипов (ўнгдан биринчи).

Table with various sections: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV, TAHIR HAY'ATI, Abdulla Oripov, Latif G'ulomov, Asliddin RUSTAMOV, Bobir ALIMOV, Turabjon JO'RAYEV, Feruz NAZIROV, Murodulla ABDULLAEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Olim MURODOV, Farruh HAMROEV, MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI, MARKAZIY KENGASHI, BO'LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot, Ma'naviyat va ma'rifat, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Parlament va huquq, Ekologiya va salomatlik, Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik, Xatlar va ommaviy ishlar, Reklama va e'lonlar, VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda, MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.